

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2014 йил
22 октябрь
ЧОРШАНБА
№ 85 (12721)

www.th.uz

Тадбиркорлик

ЯНГИ БЎЛИМ ИШ БОШЛАДИ

Зангиота туманидаги "MASTER DELEGATE-SOV" масъулияти чекланган жамиятида бўлиб, иш жараёнини кузатиш учун бироз тёр тўкишга тўғри келди. Кираверишга ўрнатилган махсус аппарат кўл ва оёқлар тозаллигини назорат қилиб, тасдиқлагандан сўнг тўсиқ очилар экан. Хуллас, "аппарат розилиги" билан ичкарига йўл олди.

Корхона 2003 йилда ташкил этилган бўлиб, гўшт ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Германия, Австрия, Беларусь каби давлатлардан келтирилган "Laska", "Shaller", "Holac", "Injet star" ускуналари маҳсулот сифатини таъминламоқда. Корхона бир кунда 5 тонна гўштни қайта ишлаш қувватига эга бўлиб, 100 хилдан ортиқ маҳсулот тайёрламоқда. 2012 йилда 20,1 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, 2013 йилда 31,2 миллиард сўмга етди. Бу ерда 100 киши мўкин иш билан таъминланган.

Бу йил корхонада ҳомдудланган гўшт маҳсулотлари бўлими ишга туширилди. Чет элдан келтирилган махсус ускуналарда 300-350 килограмм маҳсулот бир ой давомида тайёр бўлади ва сифати ҳамда мазаси билан бошқалардан фарқ қилади.

– Бундай маҳсулотлар



четдан келтирилган эди, – дейди корхона раҳбари Отабек Муталов. – Энди ўзимизда ишлаб чиқариш имкони пайдо бўлди. Усқуналарда маҳсулотнинг

жуда кўп турларини тайёрлаша бўлади. Бироқ, бу узок ва машаққатли жараён. Шунинг учун биз Австрия ва Германия мутахассислари билан таж-

риба алмашаямиз.

Бугунгача 10 дан ортиқ янги турда маҳсулот тайёрланди. Шулардан дудланган гўшт айниқса уй бекаларига хуш келаяпти.

Уни тайёрлаш учун ўн дақиқа вақт керак бўлади холос.

Дарвоқе, Янгийўл тумани, Чирчиқ ва Олмалик шаҳарларида корхонанинг махсус дўконлари фаолият юритмоқда.

Ирода МАКСУДОВА. Қобилжон ҒОҒУРОВ олган сурат.

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

МУҚАДДАС ҚЎРҒОН

Оила жамиятининг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 63-модда.

Инсонни оиладан, оилани жамиятдан айрича тасаввур этиш қийин. Оила фарзандларни тарбиялаш ва келажаги учун масъулдир. Зеро, инсон табиати ва дунёқарашидаги барча яхши хислатлар, аввало, оилда куртак ёзади.

Дўстлар билан суҳбатлашганимизда биринчи галда оила ва фарзандлар ҳақида сўз очилиши ҳам шундан. Ўзaro гурунгларида "Бола-чака омонини, шуларнинг бахти деб яшаб юрибмиз", деган гап-сўзлар кулоққа чалинади. Дарҳақиқат, ўзбек халқининг асосий ғазилатлари фарзандлар камоли, уларнинг бахту саодати йўлида ғамхўрлик қилишда кўпроқ намоён бўлади. Президентимиз таъбири билан айтганда, бугун амалга оширилаётган

барча эзгу амалларимиз фарзандларимизнинг бахту саодати, уларнинг ёруғ келажаги учун. Одобли, билимли ва ақлли, меҳнатсевар, имонли, эътиқодли фарзанд нафақат ота-онанинг, балки бутун жамиятнинг энг катта бойлигидир. Ёшларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, муқаддас даргоҳ ҳисобланиши оилани мустаҳкамлаш барчамизнинг асосий вазифамиздир.

(Давоми 2-бетда).

Маънавият

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ КАМОЛОТГА ЕТАКЛАЙДИ

– Тикувчи бўлишни болалигимдан орзу қиламан, – дейди Зангиота туманидаги маиший хизмат ва тадбиркорлик касб-хунар коллежи талабаси Нозима Зокирова. – Ниятим ушундай десам ҳам бўлади. Амалиёт дарида устозим Гулнора Зиёевадан аёллар кўйлагини бичиб-тикишни ўргандим. Онамга ҳадя қилганим, мамнун бўлиб, дуо қилдилар. Коллежни тугатгач, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтига юришни, тикувчилик цехи очиб, одамлар корига ярашни мақсад қилдим. Бунинг учун юртимизда етарли шароит яратилган, ундан оқилона фойдалансак кифоя.

Мамлакатимизда истиқлолнинг илк кунларида қўл билан таълим-тарбия масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Бунинг бош Қомусининг 41-моддасида ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга экани, бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатлангани мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши эса, замонавий таълим муассасалари бунёд этилиб, мавжудлари реконструкция қилинишига ва уларнинг моддий-техник базаси яхшиланишига туртки бўлди. Энг муҳими, таълим жараёни

тубдан ислоҳ қилиниб, сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Зеро, ушбу дастур асосида 9 йиллик умумтаълим мактаби ва 3 йиллик ўрта махсус касб-хунар таълими босқичини ўз ичига олган узлуksиз таълим тизими яратилди. Эндilikда ўғил-қизларимиз 12 йиллик мажбурий бепул таълим оломоқдалар. Бу ёшларнинг умумтаълим фанларига оид билимларини ошириш билан биргана қўл муваққиллик ва касб-хунарга эга бўлишларини кафолатлади. Шунингдек, мамлакатимиз тараққиётига муносабат ҳисса қўша оладиган малакали кадрлар ўсиб-ўлғайишига замин яратди.

(Давоми 2-бетда).

ШУКРОНА

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида кекса авлод вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳар йили 100 ёш билан юзлашган ва ундан ошган бир гуруҳ отахон ойнахоналаримиз Президентимиз фармонида мувофиқ Ватанимизнинг юксак муқофоти – "Шуҳрат" медали билан тақдирланаётгани бундан далолат.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 13 октябрда қабул қилинган "1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ана шу эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир амалий ифодаси бўлди.

(Давоми 2-бетда).

Сайлов – 2014

Сайловлар демократик ҳуқуқий давлат халқи хоҳиш-иродасининг эркин ифодаси, фуқаролик жамияти ва давлат ишларини бошқаришда иштирок

этишнинг олий шаклидир. Вилоят сайлов комиссияси аъзоси Азиз Одилов билан суҳбатимиз фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи хусусида бўлди.

ФУҚАРОЛАРНИНГ САЙЛАШ ВА САЙЛАНИШ ҲУҚУҚИ

– Айтингчи, фуқароларнинг сайловга оид ҳуқуқлари ва уни амалга ошириш шакллари қандай?

– Мамлакатимизда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини эркин амалга оширишларини кафолатловчи ҳуқуқий асослар шакллантирилди. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгалар. Бу ҳуқуқ фуқароларнинг референдумларда, ҳокимият вакиллик органлари

Давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайловига 59 кун қолди

сайловида қатнашиши орқали амалга оширилади. 18 ёшга тўлган фуқаролар сайлаш ҳуқуқига эга. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга.

– Сайловчиларнинг асосий ҳуқуқлари нималардан иборат?

– Сайловчилар умумхалқ овозига қўйилган қарорларни, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ҳамда ҳокимият

нинг вакиллик органларига кўрсатилган номзодларни ёқлаб ёки қарши ташвиқот юритишлари мумкин.

Бутун сайлов кампанияси кенг ошқоралик асосида тузилади. Ҳар бир сайловчи сайлов округлари ва участкалари, комиссиялари, улар жойлашган манзил ва иш вақти, депутатликка номзодларни рўйхатга олиш, овоз бериш ва сайлов якунларига доир ахборотларни олиш ҳамда тарқатиш ҳуқуқига эга.

(Давоми 2-бетда).

Эътироф

ЎЗБЕКИСТОН САЙЛОВ ТИЗИМИ МАДРИДДА БЎЛИБ ЎТГАН ТАДБИР ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ НИГОҲИДА

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси делегацияси Испанияда бўлди. Мазкур сафардан қўзланган мақсад ушбу мамлакатнинг турдош тизимлари билан алоқаларни йўлга қўйиш ҳамда сайлов қонунчилиги тараққиёти соҳасида ўзаро тажриба алмашини эди.

Юртимиз делегациясининг сафари доирасида Мадридда Ўзбекистон сайлов тизими ва парламент сайловларига бағишланган конференция бўлиб ўтди. У мамлакатимизнинг Испаниядаги элчихонаси томонидан "CasaAsia" Осиё мамлакатлари билан маданий алоқалар институтига кўмағида ташкил этилди. Тадбирда Испания ҳукумати муассасалари хо-

димлари, экспертлар ҳамда қатор олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари иштирок этдилар.

Конференцияда Ўзбекистонда демократик сайлов тизими шаклланишининг асосий босқичлари, бу соҳадаги миллий қонунчиликнинг ривожланиш жараёни, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига, Халқ депутатлари вилоят, ту-

ман ва шаҳар Кенгашиларига сайловларга тайёрларлик юзасидан олиб борилаётган ишлар учрашувининг асосий мавзуси бўлди. Тадбир иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ва унинг бўлинмалари фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Конференцияда Испания томонидан Мадрид Мустақил университет профессорси Хесус Хил "Ўзбекистондаги бўлажак парламент сайловларининг аҳамияти" мавзусидаги маърузаси билан қатнашди.

(Давоми 2-бетда).

2014 йил – Соғлом бола йили

ЭЗГУ ИШЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Вилоятимизда "Соғлом бола йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш борасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Соғлом бола дунёга келишини таъминлаш, оилда ўзаро ҳурмат ва меҳр-муҳаббат, юксак ахлоқий ва маънавий қадриятлар муҳитини шакллантириш, ёш оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш масалаларига ало-

ҳида эътибор қаратилмоқда. Тегишли идоралар ҳамкорлигида "Эрта никоҳнинг салбий оқибатлари", "Оилда тиббий кўрикнинг аҳамияти" мавзуларида тадбирлар ўтказилмоқда. Бу ишлар доирасида

болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, бунинг учун зарур шарт-шароит яратиш бўйича бир қатор ишлар олиб боришмоқда. Ангрен, Чирчиқ, Бекобод ва Олмалик шаҳарлари ҳамда Оҳангарон туманида бир юз ўттиздан ортиқ болалар майдончаси реконструкция қилинди.

(Давоми 3-бетда).

Тилга эътибор – элга эътибор

МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

Мухтарам Президентимизнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида шундай жумлалар бор: "Ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккур ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий бог-

лиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамияти эзгу ғазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетақдор жозибаси билан сингади. Она тили – бу миллатнинг руҳидир".

Дарҳақиқат, тил – миллат кўзгуси. Тил – бе-ниҳоя муқаддас ва мўътабар неъмат, у одамни шакллантирган, тараққиёт босқичларига олиб чиққан, руҳий тақомилга бошлаган, тафаккур гулшанининг дарвозаларини очган. Халқимиз ўз она тилига ҳамиша муҳаббат билан қараган, уни эъзозлаб ардоқлаган, ўзбек тилининг мукаммаллиги ва бетақдор оҳанглари билан фахрланган.

Маълумотларга қара-

ганда, қурраи заминимизда тахминан 5621 та тил ва шева бўлиб, ҳозиргача улардан 500 тасигина ўрганилган холос. Ҳар уч тилдан биттасининг ёзуви йўқ, фақат оғзаки нутқ шаклига эга. Дунё тилларидан фақат 40 тасигина оғзаки ва ёзма жиҳатдан мукаммал шаклланган, ҳисобланади. Қувонарлиси шундаки, улар орасида ўзбек тили ҳам бор. Зеро, ўзбек тили шу қадар бой ва жозибалики, унинг тарихий илдизлари узок

ўтмишга бориб тақалади. "Урхун-Энасой ёзма ёдгорликлари қўшмай, фақат миллий XI асрда яратилган Махмуд Қошғарийнинг "Девону лугатит-турк"ида келтирилган туркий адабиёт намуналари Юсуф Ҳос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг"инигина инобатга олганда ҳам, ўзбек тилининг қозғода муҳрланган қамиди минг йиллик тарихи бор" (Султонмурод Олим).

(Давоми 4-бетда).

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

«ИСМИ ЖИСМИГА МУТАНОСИБМИ?»

"Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2014 йил 13 сентябрдаги 74-сонидан чоп этилган "Исми жисмига мутаносибми?" номли мақолада Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, Тўйтепа шаҳридаги "Обод турмуш" маҳалласида чиқиндилар тўпганиб, ахлатхонага айланганлиги баён қилинган.

Ўрта Чирчиқ туман про-

куратураси томонидан мақола ўрганиб чиқилиб, туман ободонлаштириш, туман уй-жой мулкдорлари ширкати уюшмаси раҳбарларини жалб қилиб, жойида чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш ишлари ташкил қилинди.

Туман ҳокимлиги томонидан уй-жой мулкдорлари ширкатлари ташкил этиш ишлари тўлиқ амалга оширилмаганли-

ги натижасида мақолада чоп этилган 45, 55, 58, 77, 79, 83-сонли уйлар мулкдорлар ширкатига бирлашмаган, ободонлаштириш бошқармаси билан шартномалар тузилмаган ва чиқиндиларни олиб кетиш бўйича шартномалар имзоланмаган.

Ўрта Чирчиқ туман прокуратураси томонидан тозалаш ишлари

ташқил қилиниб, ҳозирда ободонлаштириш ишлари якунланмоқда, туман ҳокимлигига қайд этиб ўтилган уйларни ширкатларга бирлаштириб, хизмат кўрсатувчи корхоналар билан шартномалар туздирини масаласи юқлатилди.

Бундан ташқари, Тўйтепа шаҳри, О. Шарофудинов кўчасида жойлаш-

ган 77-уйда яшовчи фуқаро Т. Пак ва бошқаларнинг туман уй-жой мулкдорлар ширкати раиси О. Муҳитдинов жорий йилнинг 25 майда ширкати олиб, сотиб юборганлиги, орадан 4 ой ўтган бўлсада, уйни томини ёпиш чоралари қўрилмаётганлиги ҳақидаги аризаси Ўрта Чирчиқ туман прокуратураси

(Давоми 2-бетда).

Бунёдкорлик

Янги уйда — янги орзулар

Давлатимиз раҳбарининг ёш оилалар учун уй-жой куриш кўламини кенгайтиришга оид кўрсатмаларига мувофиқ намунавий лойиҳалар асосида кўплаб уй-жойлар курилиб, фойдаланишга топширилмоқда.

Олмалик шаҳрида бунёд этилган кўп қаватли "Қамолот" уйлари шаҳар ёшларига ажойиб соғва бўлди. Бу уйлари куришда "Таймбилдинг" МЧЖ жамоаси жонбозлик кўрсатди.

— Қундан-қунга шахримиз чирой очмоқда, — дейди жамият раҳбари А. Игиталиев. — Бу замонавий уйлари йиғиларимиз куришган. Улар малакали, тахрибли усталар. Белгиланган лойиҳа асосида курилатган уй-жойлар, қалин реконструкция қилинган бинолар учун замонавий, пишик ва чидамли куриш материаллари танланди. Умумий ҳисобда 45 та хонадон капитал таъмирдан чиқарилди.

— Мен ҳам уйлاردан бирини олишни мўлжаллаётман, — дейди Ҳуломжон Нисомиддин. — Бундай уйларида яшашнинг гашти бўлак. Аёлларнинг рўзгор юмушлари билан шуғулланишлари учун ҳамма шароитлар мавжуд. Ҳар бир хонага алоҳида дахлиш орқали чиқилади. Кийим-кечакларини илҳис учун махсус жой ажратилган. Сув, электр энергияси ва газ таъминотида муаммо йўқ. Ҳар бир хона кенг ва ёруғ, кўриб ҳавасин келди.

Замонавий лойиҳа асосида курилган бу уйлар 30 йилгача бўлган оилаларга, устама тўловсиз 20 йилга кредит асосида топширилади.

— Бу ерда ташландик бино бор эди, — дейди "Қамолот" ЕИҲ марказ муроғиллаштирувчиси Умид Исаев. — Энди у ал қорига ярайдиган кўркам бинога айланди.

Кўп қаватли уй ҳовлисида эса болалар майдончаси ҳам барпо этилган.

— Бу майдонча фарзандларимиз учун яхши соғва бўлди, — дейди шу ерда яшовчи Нуржон Ҳакимов. — Қувонарлиси шуки, ҳамма шароит муҳай. Майдончада болалар сирпанч қўйиб, турник ва нарсончага осилиб ўйнайдилар. Шунингдек, ота-оналар учун ўриндилар ҳам бор.

Бундай кўркам ва шинам тураржойлар турмушимиз йилдан-йилга фаровонлашиб бораётганидан далолатдир.

Муқаддас ИСРОИЛОВА.

Сайлов — 2014

Фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи

Сайловчилар сайловда иштирок этаётган сиёсий партиялар ва айрим номзодларнинг келгусли фаворит дастури билан танишишга тўла ҳақлидирлар.

— Фуқароларнинг тенг сайлов ҳуқуқи қонунда қандай ифодаланган?

— Фуқаролар келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий мавқеи, ирқий ва миллий мансублиги, жин-

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон сайлов тизими мадрида бўлиб ўтган тадбир иштирокчиларининг нигоҳида

У мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг моҳиятини ҳамда сайлов демократик институтининг ушбу жараёндаги ўрни ва аҳамияти ҳақида атрофлича тўхталиди. Маърузачи Ўзбекистонда сайловларни миллий қонунчилик ва умум эътироф этилган тамойиллар асосида ўтказишга қатъий эътибор қаратилаётганини таъкидлар экан, сўнгги йиллар давомида мамлакатимизда сайлов қонунчилигига киритилган ўзгаришларни ижобий баҳолади.

Мунозаралар чоғида Ўзбекистон ва Испания сайлов тизимлари тараққиётининг ўзига хос жиҳатлари, овоз бериш жараёнининг тартибга солуви алоҳида ҳуқуқий меъёрлар, демократик сайловларни ўтказишнинг таъминоти-институционал хусусиятлари юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Конференциянинг айрим

(Давоми. Боши 1-бетда).

Маънавият

ЎЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ КАМОЛОТГА ЕТАКЛАЙДИ

Амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар туфайли ўтган йилларда республикада 1555 та таълим муассасалари барпо этилди, шундан 1412 таси касб-хунар коллежи, 143 таси академик лицейдир. Вилоятимизда 122 та касб-хунар коллежи, 6 та академик лицей ишлаб турибди.

— Коллежимизда бухгалтер, радиотехника ва телерадиоаппаратларни, маиший хизмат машиналарини таъмирлаш, тикув ва тикув-трикотаж буюмлари ишлаб чиқариш технологияси, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш бўйича техник-механик каби 8 та йўналишда 1601 ўқувчи тахсил олмоқда, — дейди Зангиота тумани маиший хизмат ва тадбиркорлик касб-хунар коллежи директори Саодат Усмонова. — Уларга 70 га яқин малакали ўқитувчилар таълим-тарбия бermoқда. Мамлакатимизда ўзлуқсиз таълим тизими яратилгани дарс ўтишга ҳам янгича ёндашишни талаб этди. Бугунги дарс жараёнида дахлиш орқали қилинади. Кийим-кечакларини илҳис учун махсус жой ажратилган. Сув, электр энергияси ва газ таъминотида муаммо йўқ. Ҳар бир хона кенг ва ёруғ, кўриб ҳавасин келди.

Замонавий лойиҳа асосида курилган бу уйлар 30 йилгача бўлган оилаларга, устама тўловсиз 20 йилга кредит асосида топширилади.

— Бу ерда ташландик бино бор эди, — дейди "Қамолот" ЕИҲ марказ муроғиллаштирувчиси Умид Исаев. — Энди у ал қорига ярайдиган кўркам бинога айланди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Пири бадавлатларимиз

БОР БЎЛИНГ, ДУОГЎЙЛАР!

Нуроний кексалар, меҳнат фахрийлари ҳар қандай давранинг кўрғи, хонадонларининг фавқий. Тўй-ҳашамлар, маъракалар уларсиз ўтмайди. Уларга иззат-ҳурмат кўрсатиш халқимизга ҳос фазилатдир.

Бекобод тумани "Маллабўй" маҳалласида яшовчи Мамадали ота Рафиев бутун умрини қишлоқ ҳўжалиги соҳасига бағишлади. Кўп йиллар агроном, бригада бошлиғи бўлиб ишлади. Ҳалоқ меҳнат орқасидан умр йўлдоши Кўйсинай она билан 4 ўғил,



радиоаппаратларни ҳамда маиший хизмат машиналарини таъмирлаш ама-лиётлари Корея лойиҳаси бўйича келтирилган ускуналарда ўтказилади.

Бундан 3 йил бурун ушбу касб-хунар коллежида таширф буюрган қореялик экспертлар тахриба алмашиш жараёнида ўқитувчиларнинг касб маҳорати ва ўқувчиларнинг ўзлаштириш қобилиятини эътироф этганлари ҳам бор гап.

— Қореялик экспертлар билан дўстона алоқалар йўлга қўйилган, — дейди коллежнинг ишлаб чиқариш таълими устаси Фафур Усмонов. — Улар билан ҳамкорликда қатор йўналишларда ўқув-услубий қўлланмалар ишлаб чиқдик. Инновацион таълим технологияси бўйича дарс режаларини туздик.

(Давоми. Боши 1-бетда).

хашамлар, маъракалар уларсиз ўтмайди. Уларга иззат-ҳурмат кўрсатиш халқимизга ҳос фазилатдир.

7 қизни тарбиялаб, вояга етказди, эл-юртга қўшди. Бугун отахон ўтган умрига назар ташлаб, меҳнатларининг роҳати насиб қилганидан дилида шукроналик туйди. 93 ўшини қаршилаган бўлса-да, ҳамон тевтик отахон маҳалла ишларида ҳам фаол. Масла-

касб-хунар коллежларида чет элликлар лойиҳалари асосида иш олиб борилади. Жумладан, Қибрай туманидаги қишлоқ ҳўжалиги, Чиноздаги қишлоқ ва иқтисодиёт, Зангиота туманидаги агробизнес ва сервис касб-хунар коллежлари Германия давлати билан ҳамкорлик қилади.

Демак, ўзлуқсиз таълимнинг яратилиши вояга етмаганларнинг билим олишига, касб-хунар ўрганишга қизиқишини оширди.

— Вилоятимизда вояга етмаганлар ўртасида жинот содир этиш ҳоллари ўтган йилларга нисбатан сезиларли даражада пасайди, — деди Вилоят ички ишлар бошқармаси ҳуқуқ-бузарликларнинг олдини олиш бошқармаси катта инспектори Зулайхо Қаландарова. — Жиноятчилик 2014 йилда 2010 йилдагига нисбатан ўртача 10 фоизга камайди. Буни

шаҳар ва туманлардаги ўқув муассасаларида дарсини сабабсиз қолдириш ҳоллари кам учраётгани мисолида кўриш мумкин. Бугунги кунда давлат бюджетининг 35 фоизидан кўпроғи таълимга йўналтирилаётир. Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ўтган йили ўтказган тадқиқот натижаларига кўра, Ўзбекистон 141 мамлакат ўрасида таълим тизимини ривожлантириш бўйича бешинчи ўринни эгаллагани соҳада амалга оширилаётган ислохотлар юксак эътироф этилаётганидан дарак беради.

Президентимиз таъбири билан айтганда: "...Бошланг ишларимизнинг давомчилари бўлиши азиз фарзандларимизни ўз фикрига, ўз қарашларига эга, замонавий билим ва касб-хунарларни пухта эгаллаган, эртанги кунимизнинг масъулиятини зиммасига олишга қодир бўлган, бугунги давр талаб қиладиган соғлом ва баркамол авлод этиб тарбиялаш масаласига ўз вақтида устувор аҳамият бериб, уни умуммиллий даражага кўтарганимиз — энг тўғри, узокни кўзлаган, ҳаётимизда ўзини тўла оқлаган тарихий қадам бўлди".

Ирода НОРБОВЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Қобилжон ҒОҒУРОВ олган суратлар.

тарбия беришди. Бугунги кунда фарзандларининг бири ўқитувчи, бири заводида ишчи, қолганлари ҳам турли соҳаларда меҳнат қилишмоқда.

Яқинда Мамадали ва Холиқберди оталарни "Нуроний" жағфармаси туман бўлимида учратиб, суҳбатлашдик.

— Уйримиз давомида нималарга гувоҳ бўлмадик. Аммо мустақиллик даврида фаровон ва тинч ҳаёт кечирши насиб этганидан кўнглимиз яйрай-

ди. Шундай ўлкада яшаётганимизга, ўтаётган ҳар бир кунимизга шукроналик келтирамиз. Мустанқиллик динимизни қайтариб берди, меҳр-оқибат, инсоф, диёнат ҳаётимизда қатъий ўрин олди. Ҳар бир хонадонда тинчлик, осойишталик, тўқин-соқинлик, файзу барақа ҳўкм сураётганини айтмайсизми! — дейишди улар тўқинлашиб.

Каримкул МАВЛОНОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

ШУКРОНА

Вилоятимизда ҳам ёши улугларга меҳр ва эътибор, иззат-икром кўрсатиш, кексалар ҳолидан хабар олиш, уларни ижтимоий ҳўмоялаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, саёатларга олиб чиқиш ишларида алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қуйи Чирчиқ туманида яшовчи бир гуруҳ нуронийларнинг азим пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларига саёатчи уюштирилди.

— Аввалги Тошкент манзараси: эски лой қўчалар, пахса деворли уйлар кўз олдида, — дейди меҳнат

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

«ИСМИ ЖИСМИГА МУТАНОСИБМИ?»

томонидан кўриб чиқилиб, ҳисоб рақамида пул маблағи бўлмасдан туриб, 77-ўй томи шиферларини очиб ташлаб, ундан чиққан 300 донга 3 млн. сўмлик яроқли шиферларни сотиб юборганлиги натижасида фуқароларни уйи куз-қиш даврида ёпилишидан, уларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига жиддий зиён етказганлиги ҳолати юзасидан жорий йилнинг 10 сентябрь кунини ўрта Чирчиқ туман прокуратураси томонидан уй-жой мулкдорлар ширкати уюм-маси раҳбари О. Мухитдинов ва бошқаларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 205-моддаси 2-қисми "в" банди билан жиноят иши кўзгатилиб, туман прокуратураси томонидан тўғров ҳаракатлари олиб боришмоқда.

Б. НУРМУХАМедов, вилоят прокурорининг ўринбосари, 3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси.

ТАХРИРИЯТДАН: Вилот прокуратурасида мақолага жавоб сифатида 30 сентябрда йўлланган (Давоми. Боши 1-бетда).

Нафақат кўп қаватли уйлар аҳли, балки ён-атрофдаги ҳовли-жойларда истикомат қилувчилар ҳам дуч келган жойга чиқинди тўкиб кетаверса, уларни тартибга қайирувчи, ахлат уюмларини олиб чиқиб кетиш борасида тегишли



билан қайтиб келдилар. Ҳа, чиндан ҳам, Ҳайит арафасида туман прокуратураси аралашуви билан бу ердан бир неча машина ахлат олиб чиқиб кетилган. "Қолаверса, 55, 53, 45-уйларда истиқомат қилувчилардан пул йиғиб, ўзимиз ҳам етти машина ахлат чиқардик, — дейди 45-уй бошлиғи Салима Қўзиева. — Лекин, бу чиқиндиларнинг адоғи кўринмайди..."

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунини

МУҚАДДАС ҚЎРҒОН

Халқимиз янги оила қуришни тўй-тантана билан нишонлайди. Кўпчиликнинг гувоҳлигида оила қурган йиғит-қиз унинг масъулиятини чуқурроқ англайди, муқаддаслигини теран ҳис этади.

Президентимиз таъкидлаганидек, оила қуриш дегани фақат икки инсон ўртасидаги шахсий муносабат эмас, балки жамиятнинг асосини, айтиш мумкинки, энг муҳим бўғинини белгилайдиган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Асосий Қонунимизда оила жамиятнинг асосий бўғини экани алоҳида қайд этилган.

Ўзбек оиласи бола-жонлиги, эр-хотин ва фарзандлар ўртасидаги муносабатларнинг самимийлиги, ор-номусининг қучилиги, ёшларга иззат, кексаларга ҳурмат каби фазилатлари билан ажралиб туради. Ўзбек оиласининг ўзига хос ички тартиб-қоидалари, ахлоқий меzonлари бор. Ота оила бошлиғи, боқувчиси ҳамда тарбиячиси, она эса оиланинг номус-ори, фавзи ҳисобланади. Фарзандларга Яратганнинг марҳамати, неъматидеб қаралади. Уйдан чиқаётганда ёки бирор хайри ишга қўл уршадан олдин аввало ота-онадан дуо олинади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида оиланинг жамиятда тутган ўрни, ижтимоий мақоми алоҳида белгилаб қўйилган. Асосий Қонунимизнинг алоҳида боби "Оила" деб номланган. Унда оила ҳамда унинг аъзоларининг ҳуқуқ ва бурчлари қайд этилган.

Президентимиз "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида таъкидланганидек, ҳозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига қатта ҳавф солмоқда.

Дарҳақиқат, эътибор берилса, хориж фильмларида, клип ва мусикаларида, реклама роликларида айнан шундай турмуш тарзи тарғиб қилинади. Дунёда моддий манфаатдорликни ҳамма нарсадан устун қўядиган, ҳар бир дақиқани пулга қақадиган одамлар кўп. Аммо айнан шундай қарашлар усту-

вор бўлган мамлакатлар аҳолиси ёшлар тарбиясига ўз вақтида эътибор қаратмагани жамиятни таназзулга бошлаётганидан жиддий таҳликага тушаётгани ҳам бор гап.

Деярли ҳар кун теле-визор ёки интернет сайтларида кўриб, ўқиётганларимизни бир таҳлил қилиб кўринг-а. Барча ноҳушликларнинг асоси оилада ота ёки онанинг ўз ўрни йўқлиги, носоғлом муҳит, тарбиячиларнинг ўзи тарбияга муҳтоҳлигида эмасми? Бундай оилада вояга етаётган фарзанддан нимани кўтиш мумкин?! Халқимиз: "Қуш уясида қўрганини қилди", деган нақлни бежиз айтмаган.

Яқинда Самарқанддан Тошкентга қайтаётиб, бир аёл билан суҳбатлашиб қолдим. Суҳбат асносида ҳамроҳим хорижда бошдан кечирган кунларини ҳўқоя қилиб берди.

— Бир ўғил, бир қизим бор, — дейди у. — Улар хорижда яшашади. Ёшим бир жойга етганда хато қилдим. Болаларимнинг қистови билан уй-жойимни сотиб кетгандим. Аммо, минг пушаймон бўлиб қайтиб келдим. Билсам, болаларим мендан бегоналашганига анча бўлган экан. Уларга уй-жойимнинг пули керак экан, ҳолос. Бу ерда оёру-эътиборим, ҳурматим бор эди. Узоқ йиллар мактабда дарс бердим. Маҳаллада тўймаъракаларга аралашиб турардим. У ёққа бориб ҳеч кимга керак эмаслигини, бегона эканимни билдим. Қўни-қўшни, маҳалладошлар, шогирдларимнинг бориға шукр, ташлаб қўйишгани йўқ. Ўзбекистонимиздек юрт, ўзбеклардек бағрикенг халқ бу дунёда йўқ эканига яна бир бор амин бўлдим.

Бугун мамлакатимиз тараққиёт йўлидан дадил одимламоқда, халқимиз барча соҳаларда улкан марраларга эришмоқда. Ҳаёт қанчалик илгариласин, халқимиз оиласини, меҳр-оқибат, ахиллик, дўстлик каби миллий қадриятларимизни унутмайди. Зеро, оила — муқаддас қўрғон.

Оилада анъана тусига кирган муносабатлар, ўзаро ҳурмат, кадр-қимматни ўрнига қўйиш, меҳр-муҳаббат, оқибат, ҳамжиҳатлик каби сифатлар бугунги кунда жамиятимиз ҳаётида янада мустаҳкамланмоқда.

Лутфулла СУВОНОВ, ЎЗА шарҳловчиси.

(Давоми. Боши 1-бетда).



корхоналар билан шартнома тузувчи бирор масъул топилмаса, ҳудудни тартибга келтириш, обо-

донлаштириш ҳақида қандай гап бўлиши мумкин?! Ўрта Чирчиқ тумани ҳўкимлиги мақолага бирор муносабат билдирмаётгани ажабланарли. Балки, икки кун аввал суратга олинган манзаралар ниҳоят туман раҳбариятини ҳўшёр тортириб, бирор чора қўришга ва тахририяга жавоб йўллашга ундар...

СУРАТАРДА: чиқиндиҳона майдонини тобора кенгайиб бораёпти; маҳалла аҳли эса айбдорни излаш билан овора.

Азамат АҲМЕДОВ олган суратлар.

Депутат ва ҳаёт

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ — АДОЛАТ ТАНТАНАСИ

Ўзбекистон "Адолат" социал демократик партияси аъзоси, Паркент туманидаги 7-умумтаълим мактаби раҳбари Мавлуда Бердикулованин туман кенгаши депутати сифатида аҳоли турмуш тарзини яхшилашга амалий ёрдам бераётгани маҳалла аҳлини қувонтирмоқда.

— Маҳалладаги пахсадан қурилган эски мактаб биносини 2013 йилги қурилиш дастурига қиритишга муваффақ бўлдим, — дейди депутат. — Энди 766 миллион сўм сарфланиб қурилган 240 ўринли мактаб биноси 100 миллион сўмликдан зиёд ўқув-лаборатория жиҳозлари, иккита замонавий русумдаги компьютер билан таъминланди.


Депутат аҳолини иш билан таъминлаш масаласи билан ҳам изчил шугулланаяпти. Хусусан, 15 га яқин ёшлар ишли бўлишига, коллежнинг икки битирувчисига оилавий бизнес билан шугулланиш учун банкдан кредит олишга кўмаклашди. "Соғлом бола йили" Давлат дастури ижроси юзасидан 484 ўсимир-

нинг тиббий кўрикдан ўтишига ҳисса қўшди.

Шунингдек, ёшларнинг турли зарарли оқимларга қўшилиб кетишининг олдини олиш мақсадида Ойбек маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда таниқли ижодкорлар билан учрашиб, давра суҳбатлари ташкил этаяпти. "Мактаб-маҳалла-оила" ҳамкорлигидаги саъй-ҳаракатлари яхши самара бераёпти.

Жойларда қонун устуворлигини таъминлаш, айниса, қишлоқларда ижтимоий аҳамиятга молик тадбирларни амалга ошириш депутатнинг асосий вазифасига айланган. Зеро, қонун устувор жойда адолат қарор топади.

Наргис ҲАСАНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири.



Малака ошириш

Болалигимдан она тилим — ўзбек забониға меҳр-муҳаббат билан ўсдим. Илк бор янграган ота-она, Ватан каломлари шууримга нур бағишлагани ва истиклолмиз унинг ёғдусини чарогон этгани учун тақдиримдан миннатдорман. Она тилида сўзлаш, фахр-ифти-

хор этиш бахти 23 йилдирки, ҳаётимиз китобини мукамаллик шохсупасига кўтарди. Унга битилган энг муътабар сўзлар — мустақил Ватан, она дёр, истиклол ноъматларини ёш авлодга ўзбек тилида тушунтириш, ўргатиш шарафи нақадар шуқули.

УСТОЗ ВА ЯҚИН ДЎСТ

Мени ҳар тонг "Ассалому алайкум, азиз устоз" дея қутиб оладиган ўқувчи-ларнинг, оққўнли, беғубор болажонлар қалбида энг эзгу инсоний ғазилатларни шакллантиришга ёрдам бераётган она тилим — сенга таъзим!

Шу кунларда вилоят Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтидида мутахассислигим бўйича таҳсил олаяпман. Бу ерда ўз ишининг фидойилари, педагогика фанлари билимдонлари ҳаёт дарсини ўтишлари, десам муболага бўлмайди. Муҳаммадхон Қуронов, Омонул-ла Мадаев, Феруза Акромова, Султонмурод Олим, Раҳмонберди Жуманиезов каби устозлар сабоғи малакали ўқувчи бўлишимизга ёрдам бериши шубҳасиз. Зеро, Ўзбекистон Республикаси "Давлат тили тўғрисида"ги Қонуннинг 25 йиллиги муносабати билан



ўтказилган "Тил — миллат фаҳри" мавзусидаги маънавий-маърифий тадбирда ҳам институтнинг "Она тили ва адабиёт" гуруҳи тингловчилари фаол иштирок этишди. Таниқли олим ва адибларнинг ажодлар меросини ўрганиш ва тадқиқ этишда ўзбек тилининг муҳим аҳамияти, истиқлол берган имкониятлар, соҳадаги изланишлар ҳақидаги маърузалари тингловчиларда катта та-

ассурот қолдирди. Мен ҳам ўқувчи ўз ўқувчилига ҳақ нафақат устоз, балки ота-она, яқин дўст сифатида муомалада бўлиши зарурлиги, ҳар бир ўқувчининг юрагига йўл топа олиши кераклигига яна бир бор амин бўлдим.

Наргиза ИШМЕТОВА,
Ангрэн шаҳридаги
25-умумтаълим
мактаби ўқувчиси.
Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган сурат.

Семинар

ННТЛАР ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖИГА БАҒИШЛАНДИ

Пойтахтимизда "ННТларнинг ташкилий ривожланиши: стратегик режалаштириш" мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциацияси ҳамда ЮНИСЕФ ташкилоти ҳамкорлигида ўтказилган семинарда Республика Хотин-қизлар кўмитаси, "Камолот"

Юртимизда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-хуқуқий ислохотларнинг амалга оширилиши жараёнида нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар натижасида бугунги кунда фуқаролик жамияти институтлари, айниса, нодавлат нотижорат ташкилотлари, хусусан, оммавий ахборот воситалари фуқаролар қонуний манфаатлари ва эркинлиги, демократик қадриятларни ҳимоя қила оладиган қучага айланимоқда.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида ижтимоий-иқтисодий,

демократик сиёсатнинг босқичма-босқич амалга оширилишида муҳим аҳамият касб этди. Мазкур ҳужжат Ўзбекистонда фуқароларнинг сиёсий-хуқуқий маданияти ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, қолаверса, фуқаролик жамияти ривожланишининг янги босқичга кўтариш учун хизмат қилади.

Бугунги кунда Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциацияси қатор халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Жумладан, Европа Иттифоқи комиссияси, БМТ Тарқиқёт дастури, ЮНИСЕФ каби нуфузли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда фаолият юритмоқда.

Мазкур тадбирни ташкил этишдан қўзланган асосий

мақсад фуқаролик жамияти институтларининг ривожланишида болақар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш, оналик ва болалик муҳофазалаш соҳасидаги долзарб масалалар ечимига қаратилган вази-фаларни ишлаб чиқиш, лойиҳаларни амалга оширишда ННТлар вакиллари-нинг қўшмақчилиги шакллантириш ва билимларини оширишдан иборат.

Тадбирда иштирокчилар болақар манфаатларини таъминлашда ижтимоий шериклигини кенгайтиришга қаратилган масалаларни ишлаб чиқишда ҳамда лойиҳаларни амалга оширишда зарур бўлган салоҳиятларини ва касбий маҳоратларини бойитишди.

Наргиза АСАДОВА,
"Туркистон-пресс".

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

БУГУНГИ ЎҚУВЧИ — ЭРТАГА ҲАЙДОВЧИ



— Шу йилнинг апрель ойида ишга тайинланган, — деди клуб бошлиғи Муродхон Махмудов, — биринчи навбатда ташкилотнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга эътибор қаратдик. Бу йил янги Спарк автомашинаси харид қилинди. Бундан ташқари, 4 та Тикко, 4 та Жигули, 1 та ГАЗ-52, 2 та ЗИЛ-130 автомашина ҳам ўқувчилар ихтиёрига берилган. Автомобилларнинг техник ҳолати доимий назоратда.

Техник жиҳатдан йўлга чиқишга тахт қилиб қўйилган транспорт

воситалари ёшларнинг ҳайдовчилик маҳоратини оширишга хизмат қилмоқда. Ўқув-амалиёт хоналари, автотренажёр, автолаборатория уларнинг амалий ва назарий билимларини уйғун ҳолда ўзлаштириб боришларида муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, спортнинг амалий турларида ўқ отиш ва биатлонни ривожлантириш учун шароитлар етарли. Ҳар бир йўналиш бўйича алоҳида синф хоналари ташкил қилиниб, тегишли ўқув-курғазма-ли воситалар билан жиҳозланган.

Яқинда ўқ отиш биноси жиҳозланиб, таъмирдан чиқарилгани сабаб тўғраққа қатновчилар янада кўпайди.

Клубнинг икки қаватли биноси ҳам анча эпакага келди. Олд қисми замон талабларига мос ҳолда таъмирланди. Тунги ёритиш прожекторлари ўрнатилиб, фавворалар барпо этилиб, гуллар экилгач, атроф анча ободонлашди.

Дарвоқе, келгуси йилдан клубда "Е" тоифасида ҳайдовчилар тайёрлашга киришилди.

Хуришда НАЗАРОВА.

Саломат бўлинг

БОЙ ТАЖРИБА САБОҒИ

Тошкент вилоятида "Респиратор касалликларга чалинган болаларни санатор-курорт даволаш ва тиббий реабилитацияси бўйича долзарб масалалар" мавзусида халқаро семинар ўтказилди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан ташкил этилган семинарда Хитой, Польша, Чехия, Ҳиндистон, Озарбайжон, Россия, Қозғистон каби мамлакатлардан ташриф буюрган соҳалар вакиллари, эксперт ва олимлар иштирок этди.

Тадбирда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш Президентимиз Ислам Каримов раҳнамоларида амалга оширилган давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири экани алоҳида таъкидланди. Соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар халқимизнинг ўртача умр кўриш да-ражаси ошиб, оналар ва болалар саломатлиги янада яхшиланишига хизмат қилмоқда.

— Ўзбекистонда ёш авлод камолоти, хусусан, уларнинг соғлом ва бақувват бўлиб вояга етишини таъминлаш бўйича ибратли ишлар амалга оширилаётганига ғувоҳ бўлдик, — дейди Чехия тиббий-техника фанлари академияси академиги Марина Хлуднева. — Чехия ҳам Ўзбекистон каби курорт муассасалари билан машғур. Мамлакатингизда она ва болани биргаликда соғломлаштириш борасида тўплаган ғоят бой тажрибани ўрганиш биз учун муҳим.

Семинар доирасида хорижда ишлаб чиқарилган тиббий ускуналар курғазмаси ташкил этилди.

Тадбирда мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, респиратор касалликларга чалинган болаларни санатор-курорт даволаш ва тиббий реабилитацияси бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида сўз юритилди.

У.А.

Олов — тилсиз ёв

ЁНАЁТГАН ҲАЗОН ЗАҲАР ТАРҚАТАДИ

Куз бошланиши билан дарахтлар барглари тўкилиб, жойларда ҳазонлар тўпланиб қолмоқда. Вақтида ташиб кетилмаган ҳазонлар ёнғин чиқиши учун тайёр манбага айланимоқда.

Болаларнинг гуғурт ўйнаши ёки катталарнинг учирилмаган сигарета қолдигини ташлашлари натижасида кўплаб ёнғинлар содир бўлмоқда. Бунинг оқибатида барглари йил бўйи тўплаган турли заҳарли газларни ҳавога қайта чиқариб, одамларнинг касалликларга чалинишларига сабаб бўлаяпти. Аҳоли уйлари енидаги ҳазонлар ёниб, фуқароларнинг хужраҳона ва гаражлари ҳам ўтиб, моддий зарар келтирмоқда.

Бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ёнғин хавфсизлиги бўлими ходимлари корхо-

на, ташкилот раҳбарлари, фуқаролар йиғини раислари ва фаоллари билан учрашувлар ўтказиб, ёнғиннинг олдини олиш ҳақида тушунтиришлар беришмоқда. Атроф-муҳит тозаллигини ва ўз саломатлигини сақлаш мақсадида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя этиб, уйлари-миз атрофларини барглари-дан вақтида тозалашимиз, уларни ёкиб юбормай, бел-гиланган жойларга ташла-шимиз лозим.

Сардор
РАҲМОНБЕРДИЕВ,
Сергели тумани ЁХБ
5-ХЕХО муҳандиси.

Ангрэндаги вилоят ногиронлар реабилитация марказида 63 ҳодим бир вақтда 70 кишига хизмат кўрсатади. Терапия, неврология, жарроҳлик, катта ёшдагилар учун пулли тиббий хизмат

бўлимлари ишлаб турибди. Ногиронларга вилоят тиббий меҳнат экспертиза комиссияси берган йўлланмага асосан бепул, соғломларга эса пулли хизмат кўрсатилади.

ШИФОКОРЛАР ЭЪТИБОРИ ТАҲСИНГА ЛОЙИҚ

— Замонавий тиббий технологиялардан кенг фойдаланамиз, — дейди бош шифокор Муҳаббат Эралиева. — Касалликларнинг олдини олиш учун соғлом муҳит яратишга ҳаракат қилаёмиз. Асосийси, даволанувчиларга ўзини-ўзи назорат қилиш усулларини ўргатиб, фаол ҳаракатланиш қўнқималарини сингдира-миз. Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари мунтазам ўтилади.

Марказда руҳшунос ҳамда ҳуқуқшунос хизмат қилади. Ногиронлар билан протез-ортопедик ашёлардан фойдаланишга оид машғулотлар ўтилади.

Ҳар йили бу ерда мингдан зиёд имконияти чекланган фуқаро соғлигини тикламоқда. Ногиронлар-

даги меҳнат қобилиятларини аниқлаб, касб қўнқималарини шакллантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар уларнинг тўлақонли турмуш кечиришлари, ҳуқуқ ва имкониятларини рўёбга чиқаришлари-га ёрдам бераёпти.

40 дан зиёд замонавий физиотерапевтик аппарат ҳамда асбоб-ускуналар билан жиҳозланган хоналарда барча ташхис ва таҳлил амаллари бахари-лаяпти.

Марказ республика Президентининг "2013-2015 йилларда Тошкент вилояти йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфра-структураларни ривож-лантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори асосида 2015 йилги ин-

вестиция дастурига кири-тилди. Шунга кўра, мар-казда 4 миллиард 103 миллион сўмлик рекон-струкция ишлари режалаш-тирилган. Қўшимча бино қурилади.

— Ходимлари ширин-сўз, хоналари шинам бу марказда дардига даво топаётган, — дейди бўка-лик Акбарали Мамуров. — Шифокорларнинг эъти-бори таҳсинга лойиқ.

Марказда даволаниш муддати 10-15 кун бўлиб, дори-дармонлар таъми-ноти бепул. Ўрта тиббиёт ходимлари малакасини ошириш, янгиликларни ўзлаштиришлари учун махсус ўқув курслари, суҳ-бат ва семинарлар, ама-лиёт дарслари йўлга қўйилган.

Рухшона СОЛИЕВА.

ЭЗГУ ИШЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини янада яхшилаш борасида ҳам бир қатор ишлар ба-жарилди. Бекобод, Бўка, Бўстонлик, Зангиота, Охангарон, Паркент, Юқори Чирчик туманлари-

даги маънавий техника уста-хоналари, гўзаллик сало-ни, чеварлик, қандолатчилик цехлари фойдаланишга тошпирилди. Натижада кўп-лаб янги иш ўринлари яратилди.

Оққўрғон, Бекобод, Бўка ва Зангиота туманларида-ги бир қатор дам олиш масканлари, ёшлар, мада-ният ва истироҳат бoғла-ри таъмирланиб, замона-

вий аттракционлар билан жиҳозланди.

"Соғлом бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида амалга ошири-лаётган бу каби ишлар аҳолига кенг қулайликлар яратмоқда. Оилаларнинг маданий ҳордиқ чиқари-ши, ёшларнинг бўш вақти мазмунли ўтишини таъ-минлашга хизмат қилаё-тир.

Худудий дастурга муво-фик, олтинчи беш ҳам таъ-минланган ёш оила Ангрэн шаҳридаги "Карвон" маҳалласида қурилган кўп қаватли уйлардан алоҳи-да хонадонларга кўчиб ўтди.

Ёш авлоднинг ҳар то-монлама соғлом ва барка-

мол бўлиб вояга етишида таълим-тарбия масканла-рининг ўрни беқуб.

— "Соғлом бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида "Баркамол ав-лод" болалар марказлари-нинг моддий-техник база-си янада мустаҳкамлан-моқда, — дейди вилоят халқ таълими бошқарма-си бошлиғи ўринбосари Ўбайдулла Парпиев. — Пискент, Оққўрғон, Юқори Чирчик ва Охангарон ту-манларидаги шундай мар-казларни таъмирлаш иш-лари нийосига етказилди. Таъмирталаб таълим муас-сасаларини реконструкция қилиш ва жиҳозлаш иш-лари давом этмоқда.

У.А.

ЭЪЛОНЛАР

АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТИ

СИБ томонидан хатланган Тошкент вилояти, Охангарон шаҳри Енарик м.ф.й. Енарик қишлоғида жойлашган умумий фойдаланиш ер майдони 388.82 кв.метрдан иборат бўлган овқатланиш шаҳбаси ва дўсон биноси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси - 240 000 000 сўм. Мазкур мулклар со-лимли қолган тақдирда тақрирӣ аукцион савдоси 2014 йил 9 декабрь кунӣ 12.00 да ўтказилади. Савдога чиқарилган мулклар билан тегишли ту-ман СИБ бўлими вакили иштирокда бевосита жойига чиқиб танишиш му-кин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар иш қулиари соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин соат 12.00 да ўтказилади. Аук-цион савдоларида қатнашиш исти-доди талабгорлар тузилдиган зака-лат келишувига асосан мулк бошлан-ғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги тўлов ҳужжа-тида ижро ҳужжати рақами ва сана-сини қўрсатган ҳолда Савдо ташки-лотчилигини ХОАТЕ "InfinitBank" Шайхонтоҳур филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 202080008002505955001, МФО 01041, ИНН 302681189. Қўшимча маълумотлар кўрсатиш учун тўлов олинди. Ман-зил: Тошкент шаҳар, А.Темур 1-тор қўчаси, 6-уй. Телефон: 177-96-74. Лицензия № RR 0173.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидроме-теорология марказининг хабар беришича, 22 ок-тябрь кунӣ Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёнғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 8-10, кун-дузи 25-27 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёнғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 7-12, кун-дузи 22-27 даража иссиқ бўлади.

Республикаимизнинг тоғли худудларида ҳаво ўзгариб туради, ёнғин-гарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 3-8, кун-дузи 12-17 даража иссиқ бўлади.

Замин Филм" МЧЖ раҳбарини 2014 йил 23 октябрь соат 11.00 да таъсисчилар йиғилишига ке-лишини сўраймиз. "Sinema Market" МЧЖ таъсисчилари. Манзил: Навоий қўчаси, 3-уй.

"KOP TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориши тартибда ўтказиладиган оқиқ аукцион савдосига тақлим этилади!

Тақрирӣ аукцион савдосига 1) Тошкент шаҳар Бектемир тумани СИБ томонидан Мир-обод тумани Фуқаролик ишлари бўлими судининг 06.02.2013 йилдаги 1-383-3998/13-сонли ижро варақасига асосан тақдими этилган қўйидаги қўчмас мулк қўйилмоқда. Бошланғич нархи - 711 000 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Чилон ота қўчаси, 5-уйда жойлашган умумий майдони 1084 кв.м. бўлган 2 қават ва ерўлашган иборат "Офис биноси"; 2) Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан тақдими этилган 09.12.2013 йилдаги №20340/15-сонли ижро ҳужжати асосан, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Тахтапўл қўчаси, 8-уйда жойлашган, умумий ер майдони 800,0 кв.м., қурилган остидаги майдони 359,44 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 159,89 кв.м., яшаш майдони 126,12 кв.м. бўлган 7 та яшаш хона-дон иборат тураржой (ховли), бошланғич нархи - 344 201 150 сўм; 3) Тошкент шаҳар Шайхон-тоҳур тумани СИБ томонидан тақдими этилган 17.01.2014 йилдаги №476/15-сонли ижро ҳужжати асосан, Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Олтинтопган, Ж.Остонов қўчаси, 4-уйда жойлашган, умумий ер майдони 3704 кв.м.дан иборат бўлган мотор цехи биноси. Бошланғич нархи - 735 523 687 сўм; 4) Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан тақдими этилган 17.01.2014 йилдаги №466/15-сонли ижро ҳужжати асосан, Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Ҳўжақент қишлоғи, Янги маҳалла худ-дида жойлашган, умумий ер майдони 922 кв.м., қурилиш остидаги майдони 388,90 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 289,90 кв.м., яшаш майдони 128,70 кв.м.дан иборат бўлган турар-жой (дала ховли); бошланғич нархи - 413 498 842 сўм. Тақрирӣ аукцион савдолари 2014 йил-нинг 11 ноябрь кунӣ соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Бериуний қўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгор-лар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини "KOP TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотекa банк" Шайхонтоҳур филиалида-ги 20208000104631635001 ҳисоб рақамига тўла-шлари шарт, МФО 00425, СТИР 207128747, ОКОНХ 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегиш-ли суд ижрочилиги бўлимининг вакили ишти-рокда бевосита жойга чиқиб танишиш му-кин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талаб-горлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар расмий иш қулиари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа те-гишли ҳужжатларни қабул қилиш қимосиди савдо-до ўтказилишига бир иш қуни қолганда соат 17.00 да ўтказилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Ол-мазор тумани, Бериуний қўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-81. Лицензия: № 0039.

